

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**192** Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тайёр доривор воситалар импортини тартибга солиш тўғрисида» 2011 йил 25 февралдаги 49-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзфарм-саноат» давлат-акциядорлик концерни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 февралдаги 49-сон қарори билан ташкил этилган Ишчи гуруҳ билан биргаликда Импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талаблар оғишмай бажарилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 11 май,
132-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2011 йил 11 майдаги 132-сон қарорига
ИЛОВА

**Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси
211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган
қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган
доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211-моддаси 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган доривор воситалар рўйхатига (кейинги ўринларда Рўйхат деб аталади) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартибини белгилайди.

2. Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар аҳолининг касалланиши тартибини, ички бозор мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқарилган доривор воситалар билан тўлдирилганлиги ва уларнинг сифатини таҳлил қилиш асосида доривор воситаларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) ҳисобга олинган ҳолда зарурият бўлганда ҳар бир олти ойда киритилади.

3. Рўйхатга асосли таклифлар мавжуд бўлган тақдирда:

Рўйхатга янги доривор воситаларни киритишни;

Рўйхатдан доривор воситаларни чиқаришни;

Рўйхатга киритилган доривор воситалар импорт монандларининг янги савдо номларини;

доривор воситаларни ишлаб чиқариш шакли ва ТИФ ТН кодини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

4. Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Вазирлар Маҳкамасининг «Тайёр доривор воситалар импортини тартибга солиш тўғрисида» 2011 йил 25 февралдаги 49-сон қарори билан тасдиқланган Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳнинг (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ишчи гуруҳнинг ижро этувчи органи ҳисобланади.

6. Республиканинг фармацевтика бозори тизимли мониторингини олиб бориш мақсадида Ишчи гуруҳга чоракдан кейинги ойнинг 5-кунигача ҳар чоракда:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан — даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолининг доривор воситаларга бўлган эҳтиёжи; аҳолининг касалланиши тузилмаси ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилаётган доривор воситаларнинг си-

фати; Рўйхатга киритилган доривор воситалар импорт монандларининг янги савдо номларини рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) тўғрисидаги таҳлилий материаллар;

«Ўзфармсанот» ДАК томонидан — фармацевтика корхоналарида ички бозорнинг эҳтиёжини қондириш учун етарли ҳажмда доривор воситаларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши; Рўйхатга киритилган доривор воситани ишлаб чиқариш тўхтатилиши (тўхтатиб турилиши), шу жумладан корхона тугатилиши (фаолияти тўхтатиб турилиши), ишлаб чиқариш қувватлари камайиши ва ҳоказолар муносабати билан тўхтатилиши (тўхтатиб турилиши) ҳақидаги таҳлилий материаллар;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси томонидан — доривор воситалар импорти ва экспорти ҳажми, шу жумладан Рўйхатга киритилган доривор воситалар импорти ва экспорти ҳажми тўғрисидаги таҳлилий материаллар киритилади.

II. Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш шартлари ва мезонлари

7. Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидаги шартлар мавжуд бўлган тақдирда киритилади:

касалланиш таркиби ҳисобга олинган ҳолда ички бозор конъюнктурасининг ўзгариши;

маркетинг тадқиқотлари натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва фармацевтика ташкилотлари томонидан аниқланган ички бозорнинг эҳтиёжини (кейинги ўринларда «эҳтиёж» деб аталади) қондириш учун етарли ҳажмда дори воситаларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

Рўйхатга киритилган доривор воситалар импорт монандларининг янги савдо номлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Доривор воситалар ва тиббиёт техникаси сифатини назорат қилиш бош бошқармасида рўйхатдан ўтказилиши (қайта рўйхатдан ўтказилиши);

Рўйхатга киритилган доривор воситани ишлаб чиқариш, шу жумладан маҳаллий ишлаб чиқарувчи тугатилиши (фаолияти узоқ муддат тўхтатиб турилиши), ишлаб чиқариш қувватлари камайиши ва ҳоказолар муносабати билан тўхтатилиши (тўхтатиб турилиши);

ички бозор эҳтиёжлари таъминланмаслиги.

8. Қуйидагилар доривор воситаларни Рўйхатга киритишнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

доривор воситалар ички бозор эҳтиёжини таъминлайдиган ҳажмда ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилганлиги;

амалдаги ишлаб чиқариш салоҳиятининг даволаш-профилактика муасасалари ва аҳолининг доривор воситаларга эҳтиёжини қондиришга мувофиқлиги;

доривор воситаларни зарур ҳажмда ишлаб чиқаришни таъминлайдиган ишлаб чиқариш қувватлари ва хом ашё ресурслари мавжудлиги.

III. Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9. Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш республика фармацевтика бозорининг тизимли мониторинги, шунингдек вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлари асосида амалга оширилади. Таклифлар ушбу Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича буюртманомалар асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзфармса-ноат» ДАК билан биргаликда республика фармацевтика бозори мониторинги натижаларини, шунингдек Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш шартлари ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан тушган таклифларни кўриб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 10 кун мобайнида тушган таклифларни кўриб чиқиш учун Ишчи гуруҳ аъзоларига юборади.

11. Ишчи гуруҳ аъзолари 10 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги ўз фикрини тақдим этадилар.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ижро этувчи орган сифатида Ишчи гуруҳ аъзоларининг Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги фикрларини умумлаштиради ва 5 кун мобайнида уларни кўриб чиқиш учун Ишчи гуруҳ раҳбарига юборади.

13. Ишчи гуруҳ 10 кун мобайнида тушган таклифларни кўриб чиқади ва Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилади.

Ишчи гуруҳнинг қарори уч кун муддатда баённома шаклида расмийлаштирилади ҳамда Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун асос ҳисобланади.

14. Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ишчи гуруҳнинг протоколи асосида Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор лойиҳасини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси
Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида
назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи
бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган
доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси
211-моддасининг 6-бандида назарда тутилган қўшилган
қиймат солиғи бўйича имтиёзлар татбиқ қилинмайдиган
доривор воситалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш тўғрисида
БҮЮРТМАНОМА**

1. Титул варак:
 - а) муассасанинг ва/ёки маҳаллий ишлаб чиқарувчининг номи;
 - б) муассаса ва/ёки маҳаллий ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумотлар (манзили, телефон, факс);
 - в) буюртманома тақдим этилган сана.
2. Доривор воситани киритиш ёки чиқариш тўғрисида масалани қўйиш.
3. Доривор воситанинг, доривор шаклнинг номи, дозаси.
4. Корхонанинг қуввати тўғрисидаги маълумотлар.
5. «Ўзбекэкспертиза» ОАЖнинг хулосаси илова қилинган ҳолда доривор воситанинг ТИФ ТН коди тўғрисидаги маълумот.
6. Доривор воситаларни зарур ҳажмда ишлаб чиқариш учун етарли бўлган хом ашёнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.
7. Импорт монандлар тўғрисидаги маълумотлар (етказиб берувчи, савдо номи, дозаси, нархи).
8. Кутилаётган натижалар ва уларни баҳолаш мезонлари.
9. Раҳбарларнинг муҳр билан тасдиқланган имзолари.
10. Олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда олинган сана кўрсатилган ҳолда намунавий буюртманома қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар.